

## ИЛМИЙ АНГЛАШ ТУЗИЛМАСИДА ДЕТЕРМИНИЗМНИНГ РОЛИ

Ҳаракат ва тараққиётнинг барча манбалари материянинг ўзида жо бўлади. Вужуд ўзида химиявий, физикавий ва механик жараёнларни қанчалар гавдалантирса, вужудда ҳаттоки механик ҳаракат физикавий ва химиявий ўзгаришлар томонидан тақозо этилади. Биология фани соҳасида детерминизм категориясини қўллаш материя ҳаракатининг биологик шакллари ёритишда, айниқса, муҳим. Биологик жараёнлар қонуниятларини тадқиқ этишнинг математик, кибернетик, физикавий ва химиявий методларининг қўлланилиши муносабати билан материя ҳаракатининг биологик шакллари хоссаларининг таҳлили долзарб аҳамият касб этди. Шунинг учун детерминизмнинг методологик ва дунёқараш сифатидаги қимматини англаб олмасдан олға силжиб бўлмайди. Бизни ўраб турган олам - табиат ва жамият сон-саноксиз, турли-туман жараёнларни ўз ичига олади.

Янгининг пайдо бўлиши сифатидаги тараққиёт нафақат янги қандайдир сифатларнинг юзага чиқишини, балки шу билан бирга нарсалар ва ҳодисалар тузилмасининг ўзгаришини ҳам англатади. Бу бизга шундай хулоса чиқариш учун имконият берадики, детерминизм қандайдир алоҳида биологик жараёнлар борлигини англаб қолмайди. Фақат шундай ёндашувгина энг оддий ва мураккаб вужудлардаги биологик тараққиётни тўғри англаш қалити бўлиши мумкин. Гап бу ерда биологик жараёнлар ва тирик табиат сирларига чуқурроқ кириб бориш ҳақида кетмоқда. Бир-бири томонидан тақозо этилишига қарамай, неорганик, органик ва ижтимоий тузулмаларнинг хусусиятлари турличадир. Бу жараёнларнинг барчаси учун материя ҳаракатининг асосий шакллари характерлидир. Шунинг учун ҳар бир текширишда детерминантларни тадқиқ этиш нафақат фан учун, балки амалий фаолият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда тадқиқотлар биологик тузулмаларнинг қуйи шакллари ўрганишдан бошланиб, олий шакллар томон борилса мақсадга мувофиқдир. Масалан, аввало ерда ҳаёт бошланганлигини ойдинлаштириб олиш лозим, сўнгра инсоният

жамияти тараққиёти масаласини тадқиқ этишга киришиш мумкин. Бунинг учун ҳар иккала масалада ҳам детерминантларни белгилаб олиш зарур. Илмий билишда детерминизм тамойилини қўллашнинг қиммати ҳам шунда. Бунда детерминизм концепциясининг дунёқараш сифатидаги ҳамда гносеологик ва методологик жиҳатлари ёрқинроқ очилади. Айтиш мумкинки, табиат ва жамиятдаги ҳар бир ҳодиса, тараққиёт жараёни детерминизм концепцияси томонидан эътиборга олинади.

Шу билан бирга у ёки бу биологик объектни ўрганиш чоғида шуни унутмаслик керакки, фақат алоҳида жиҳатларнигина, детерминацион боғланишларнинг бир қисминигина ўзида гавдалантиради.

Бу боғланиш ҳар бир биологик объектда янги боғланишларга туртки бўлади ва бунинг натижасида сабабият умумийлик касб этади. Биологик тузилмалардаги сабабият детерминациянинг бош элементи сифатида бошқа алоҳида-алоҳида боғланишлар билан кўп қиррали ва мураккаб муносабатда бўлади. Ҳар сафар сабабиятни умумий боғланишлардан ажратиб олиш ва ўзини алоҳида тадқиқ этиш талаб қилинади. Худди шу ерда материя ҳаракатининг биология доирасидаги ўзаро таъсирининг хусусиятларига эътиборни қаратиш керак. Зеро, ҳар қандай биологик тузилмалар тараққиётида ўзаро таъсир катта роль ўйнайди. Биологик тузилмаларнинг ўзида рўй берадиган ўзаро таъсир ҳамда атрофимизни ўраб турган олам билан ўзаро таъсири сабаб ва оқибат боғланишларини юзага келтиради ва улар бир-бирига ўтади. Бунда биологик тузилмалардаги сабаб ва оқибатнинг характери ўзаро алоқага таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсирнинг табиати нарса ва ҳодисанинг табиатига, ҳамда макон, ўрин ва вақтнинг конкрет шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Ўзаро таъсир моддий олам соҳасида ва инсоннинг фикрлашида амал қилади.

Нарса ва ҳодисалар тараққиёти жараёнида ўзаро таъсир сушт характерга эга эмас, аксинча, бир воқеликнинг бошқасига айланишига фаол кўмаклашади. Ўзаро таъсирни юзаки тушуниш, айниқса, турли хил биологик объектларни тадқиқ этишда детерминацияни нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Масалан, наслдан наслга ўтиш ва ўзгарувчанлик ҳозирги пайтда етарлича

ўрганилмоқда. Бунда объектларнинг кўплиги ва турли хиллигидан келиб чиқиб тадқиқот методлари ҳам танлаб олинади. Ҳар хил методларни қўллаш оқибатида тадқиқотнинг янги объектлари юзага келиши мумкин. Генетика бунга яхши мисол. Генетикада турли соҳалар пайдо бўлди. Ҳайвонлар, микроорганизмлар, ўсимликлар генетикаси, цитогенетика, математик генетика ва бошқалар. Бу генетикага кўплаб биологик муаммоларни ечиш ҳамда илмий билишнинг янги босқичига кўтарилиш имкониятини беради.

Бу фикрларни тараққиёт ва детерминизм муаммосини ҳар доим бирга таҳлил этиш керак деган маънода тушунмаслик керак. Шунинг назарда тутиш керакки, бу муаммоларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мавжуддир. Шунинг учун айрим ҳолларда улар ўзаро боғланишда бўлишига қарамасдан илмий тамойиллар сифатида алоҳида олиб қаралиши мумкин. Бу назаримизда детерминация шаклига боғлиқ бўлади.

Айтилганлардан маълумки, детерминизм фалсафанинг бошқа тамойиллари сингари универсал характерга эга, яъни у нафақат табиат ва жамиятдаги боғланишларни акс эттирибгина қолмасдан, балки шу билан бирга инсонларнинг билиш фаолиятига ҳам таъсир ўтказади.

Бошқача сўз билан айтганда, детерминизм тушунчаси изчил категориал характер касб этмоқда.

Биологик жараёнларни ўрганишга детерминизм тамойилининг жорий қилиниши катта методологик аҳамиятга эга. Детерминизм тамойили бир томондан биологик жараёнларнинг зиддиятли характерини очиқ беради. Илмий тадқиқотда олимларга тўғри йўналишдан бориш учун имкониятият яратади, бошқа томондан биология соҳасида детерминизм тамойилининг жорий қилиниши биологик эволюциянинг табиати ҳақида тўғри тасаввур шаклланишига кўмаклашади.

Детерминизм тамойили одамларнинг билиш фаолияти соҳасида ўзига хос хусусиятга эга. Бу тамойил тараққиёт жараёнини чуқур ўрганишда муҳим воситадир ҳамда табиат ва жамиятни тадқиқ этиш ишига хизмат қилади.